

# **ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ КЕНГАШИНинг 3-СОНЛИ ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Жиззах шаҳри

4 ноябрь 2019 йил

## **Қатнашдилар:**

**Кенгаш раиси  
Кенгаш котиби**

**Усманкулов А.К.  
Парсаева Н.Ж.**

**Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)**

## **КУН ТАРТИБИ**

4. Турли масалалар.

4.19. ИНТРАС лойиҳаси доирасида Клагенфурт университетига хизмат сафари бўйича лойиҳа координатори С. Усмановнинг ахбороти.

## **ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги 4.19-масала юзасидан ИНТРАС лойиҳаси координатори С. Усманов Клагенфурт университетига хизмат сафари бўйича ахборот берди. Унда институтда ИНТРАС лойиҳаси бўйича 5 нафар профессор ўқитувчилари ушбу хизмат сафарида иштирок этдилар.

Жумладан, хизмат сафари даврида қуидаги маълумотлар олинди.

**Клагенфурт шаҳри** Австрияning жанубида, Глан дарёси бўйидаги Дравлар водийсида, Вёртер-Зее қўлининг шарқий қирғоғида жойлашган бўлиб, **Каринития** федерал худудининг **маъмурий маркази** ҳисобланади.

Аҳолиси 100 минг нафардан ортиқ. Майдони - 120.03 км<sup>2</sup>. Расмий тили – немис тили.

Клагенфурт университети (AAU) 1970 йилда ташкил топган бўлиб, Австрия университетлари орасида глобал тармоқка бирлашган ўзига хос илмий-тадқиқот институти сифатида ва бутун Алп-Адриатик миңтақасида билим эгаллаш, алмашиниш ва уни узатиш маркази сифатида муваффақият қозонган. AAU Австриядаги Graz, Innsbruck, Linz, Salzburg, ва Vienna университетлари билан бир каторда, кенг миқёсдаги фанларни таклиф қилувчи олтида давлат университетларидан биридир.

Клагенфурт университетининг илмий соҳада эришган ютуқлари миллий ва ҳалқаро миқёсда танилишига, нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда. Клагенфурт университети турли хил тадқиқот соҳаларини бирлаштириш ва кучайтириш орқали бугунги кундаги энг долзарб муаммоларга ечим топишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Университетнинг дунё миқёсида тан олинишини кучайтирадиган тадқиқот ташабbusларини, яъни энергия

истеъмолини бошқариш ва энергия технологиялари, барқарор ривожланиш, ўзини ўзи ташкил этувчи тизимларни яратишда яхлит ёндошувни қўллаш имконини берган ва тадқиқотларда юксак натижаларга эришилган. Клагенфурт университетида **11600** дан ортиқ талабалар билим олишади ва тадқиқотлар олиб боришади, шу жумладан чет элдан **2000** га яқин талабалар (**100 мамлакатлардан**). Тахминан **1500** нафар ходимлар, профессор-ўқитувчилар **ва илмий ходимлар** ўқитиши соҳасида юқори сифатли ютуқларни қўлга киритишига интилишади.

Университетнинг **34** та кафедралари тўртта факультетларга тақсимланган бўлиб, асосий иш ва тадқиқотлар майдони бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари, бир нечта ихтисослашган марказлар университетнинг ўзига хос қиёфасини шакллантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Клагенфурт университети кенг ҳамкорлик бўйича турли тадбирларини таклиф этиш орқали чет элга илмий-тадқиқот ташрифлари учун стипендияларни, тил курсларини, ёзги мактабларни ва алмашув дастурларини мунтазам ва узлуксиз ташкил этади. **54 мамлакатлардан 250** та университетлар билан халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Университетда ўқитилаётган курсларнинг кенг доираси **гуманитар таълим йўналишлари, техника таълими йўналишлари, бизнес бошқаруви ва иқтисодиёт соҳасидаги дастурларини ўз ичига олади**, шунингдек университет, ўрта мактаб ўқитувчиларини аккредитациядан ўтказишга мўлжалланган ўнта фанларни ўз ичига олган ўкув дастурига ҳам эга.

Университет, таълимда юқори сифатли назорат, шунингдек амалиётга ва илмий изланишларга йўналтирилган ўкув дастурлари билан алоҳида ажралиб туради.

Университетда ишлаб чиқариш соҳасининг таклифига кўра 50 дан ортиқ узлуксиз таълим дастурлари фаолият юритади, бу университетининг Австрияда асосий академик қўшимча таълим берувчиларидан бири эканлигини тасдиқлайди.

Инглиз тилини ўрганиш дастурлари ва курслари, халқаро қўшма даража дастурлари ва чет элда ўқиш учун кенг имкониятлар, Клагенфурт университетининг халқаро йўналишини яна бир бор тасдиқлайди.

Клагенфурт университети Австрияning жанубий қисмida, Вёртерсе қўли яқинида ва Словения ва Италияга жуд яқин масофада жойлашган. Замонавий инфратузилма билан жиҳозланган ва қўплаб дам олиш турларини таклиф этадиган университет кампуси, ўқиш ва дам олиш учун идеал шароитларни таъминлайди

### **Клагенфурт университети илмий-тадқиқот тузилмаси**

Клагенфурт университетининг тадқиқот тузилмаси илмий жамоалар ўюшмасидаги тадқиқотларнинг кўргазмалилигини ва рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган.

Мазмун жиҳатидан университетидаги тадқиқотлар тузилмасининг асосий фокуси кенг доирадаги ихтисосликлар бўйича алмашинувга қаратилган: **университетнинг тўртта факультети, ҳар бири турли хил фанларни ўз ичига олган бўлиб, университетнинг иккита асосий тадқиқот йўналишларини, тўртта илмий тадқиқот кластери ва унинг тадқиқотларга йўналтирилган ўқитиши тизимини бирлаштиради.**

Ушбу тузилма Клагенфурт университети сайти дизайнида ҳам чукур якқол кўзга ташланади (<https://www.aau.at/en/>).

Лойиха режасига кўра ЖизПИ да очиладиган 5А310609 – Интеллектуал транспорт тизимлари магистратура мутахассислиги учун ўкув режаси ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири томонидан тасдиқланди.

Лойиха режасига кўра янги магистратура мутахассислигида ўқитиладиган қуйидаги маҳсус курслар белгилаб олинди:

1. Intelligent Vehicle Technologies & Smart Mobility
2. Transportation Economics and Demand analysis
3. Road Traffic Engineering and Optimization
4. In-Vehicle Information Systems
5. Robotics, Autonomous Vehicles, and Smart Logistics
6. Mobility Service Design-and-Management and Economics of Mobility Communications and Information Systems in Smart Transportation

5А310609 – Интеллектуал транспорт тизимлари магистратура мутахассислиги учун ўкув жараёнини ташкил этишда фойдаланиладиган адабиётлар базаси шакллантирилди.

Ушбу учрашувда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги вакиллари билан олиб борилган мулоқотлар давомида Жиззах политехника институтида 2020-21 ўкув йилида **5А310609 - Интеллектуал транспорт тизимлари** мутахассислиги бўйича магистратура очилиши келишиб олинди.

Жиззах политехника институтида INTRAS лойихаси доирасида 2020 йил 29 июнь – 12 июль оралиғида талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун икки ҳафталик “Халқаро ёзги мактаб” ташкил этиш бўйича келишув амалга оширилди ва унинг режаси муҳокама қилинди.

## Ёзги мактабнинг режадаги дастури.

Гданск технология университетидан 5 нафар профессорлар қуйидаги курслар бўйича машғулотлар олиб бориши режалаштирилган:

- ITS fundamentals;

- Transport planning;

- Vissum course.

**Жами:** 24 соат.

**Жилин университетидан** 4 нафар профессорлар қуидаги курслар бўйича машғулотлар олиб бориши режалаштирилган:

- Geographic information systems;

- Structured and Object Oriented programming with PYTHON.

**Жами:** 10 соат.

**Клагенфурт университетидан** 4 нафар профессорлар қуидаги курслар бўйича машғулотлар олиб бориши режалаштирилган:

- Traffic modeling and simulation;

- Mathematical methods in transpotation.

**Жами:** 10 соат.

Ташкил қилиниши режалаштирилган “Халқаро ёзги мактаб” учун ЖизПИда тўлиқ мультимедия, ўқитишининг техник, ахборот коммуникация воситалари билан жиҳозланган 2 та аудитория (талабалар ва ўқитувчилар учун) ташкил этиш ишлар режага киритилди:

- 20 тадан 40 дона (Vissum ва PYTHON дастурлари учун) компьютерлар;
  - проекторлар;
  - Проектор учун экран;
  - Доска;
- ва ҳаказо.

Клагенфурт университетига ташриф жараёнида унинг электрон ахборот базасидан қуидаги замонавий ўқув адабиётларининг электрон нусхалари олинди ва институт АРМ га тақдим қилинди.

Кенгаш раиси

Н.Парсев

### **СЎЗГА ЧИҚДИЛАР :**

Доц. С.Товбоев, доц. М.Позилов, доц. Н.Танғяриков, доц. Б.Матниязов, ф-м.ф.н. С.Эшбекова, и.ф.н. А.Кучимов ва Кенгаш раиси А.Усманкуловлар ушбу масала юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини савол жавоб орқали билдирилар.

**Кун тартибидаги 4.19-масалани Кенгаш атрофлича ўрганиб ва мухокама қилиб,**

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. ИНТРАС лойиҳаси доирасида Клагенфурт университетига хизмат сафари бўйича лойиҳа координатори С. Усмановнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хизмат сафари давомида амалга оширилган ишлар ва олинган натижалари қониқарли деб ҳисоблансин.

3. Институтда “Интеллектуал транспорт тизимлари” лабораториясини ташкил этишга тайёргарлик ишлари қатъий график асосида амалга оширилиши белгилансин. **Масъул: С. Усманов ва лойиҳа жамоаси. Муддат: 2020 йил май.**

4. 5A310609-Интеллектуал транспорт тизимлари магистратура мутахассислигини очиш бўйича барча меъёрий хужжатлар тайёрлансан ва тегишли тартибда О ва ЎМТВ га тақдим қилиниши таъминлансан.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори, Маркетинг бўлими бошлиғи. Муддат: 15 ноябрь 2019 йил.**

5. 5A310609-Интеллектуал транспорт тизимлари магистратура мутахассислиги бўйича ўқув-методик таъминот ва ташкилий ишлар белгиланган муддатда ниҳоясига етказилсан.

**Масъул: Ўқув ишлари проректори, Л ва С кафедраси мудири. Муддат: август 2020 йил.**

6. “Халқаро ёзги мактаб” ни ташкил қилиш бўйича аниқ белгиланган муддат ва иш ҳажми кўрсатилган график ишлаб чиқилсин, масъуллар белгилансин ва бажарилиши қатъий назоратга олинсан. **Масъул: С. Усманов. Муддат: декабрь, 2019 йил.**

7. Халқаро даражадаги учрашувларни ўтказиш учун мўлжалланган маҳсус зал ташкил этиш. **Масъул: Матниязов Б.И. Муддат: май 2020 йил.**

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни Кенгаш раиси зиммасига юклатилди.

Кенгаш раиси

Кенгаш котиби



А.Усманкулов

Н.Парсаева

Клагенфурт университетинин қўнив юхада эринагви ютувлари миллай ва ҳамро миқёсида таҳсилотнига, шуруннинг ошишига хизмат келмоид. Клагенфурт университети турди ёнга таъкидот соҳаларини бирлашибдириш ва кучайтириш орқали буғуни кундаги энг долсаёб муаммоларга сим топтига ўзининг мусосиб хиссасини кўймоид. Университетнинг дунё миқёсида таҳсилотни кучайтирадиган тадқикот ташаббусларини, яъне энореки